



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 12-mart. Shanba

30 (31.306)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Марказий сайлов комиссиясида

Шу йил 10 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари хусусида тўхталди.

Мажлисида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш доирасида Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган амалий семинарлар ўтказгани таъкидланди. Уларда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мажлисида Президентимизнинг сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга доир қонунчилик ташаббусларининг асосий қоидаларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, бу борада белгиланган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларининг бориши ҳақида маълумот берилди. Бу ишлар парламент ва сиёсий партиялар вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари иштирокида миллий ҳамда халқаро тажрибани чуқур ўрганиш орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларини танқидий таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқиш асосида амалга оширилаётгани таъкидланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари ва Сенатининг айрим аъзоларининг ваколатларини объектив сабабларга кўра муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

Фракция фаолияти



Парламент қонун ижодкорлигида

ЎзХДП депутатлари қабул қилинаётган қонунлар орқали ўз электорати манфаатларини ифода этади ва уларни ҳимоя қилади

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан муҳокама этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2010 йилда амалга оширган фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Барчамизга маълумки, яқинда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қиритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган эди.

Бош Қомиссияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг ўзга субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришни мақсад қилган.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг кўламли дастурлари ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаш, кенг миқёсда хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш, кредитлар ажратилиши ва имтиёзлар бериш орқали кичик ва ўрта корхоналар тараққийотини таъминлашни кўзда tutади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор инновация ва замонавий технологияларни қўллашга қаратилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур чора-тадбирлар янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг барқарор тарзда ўсишига туртки бўлади. Бу, ўз навбатида, янги сармояларни шакллантириш ҳамда хорижий инвестицияларни янада кенгрок жалб қилиш учун қулай имкониятдир.

Р.ПОНТЕЛЛО,
Флоренция Савдо-саноат палатаси раиси

Янгиликлар

Божхонада янги технологиялар

Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан чегараларидаги божхона пунктларида рентген-сканер ускуналарини ўрнатиш тадбири бўлиб ўтди.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Япония ҳукуматининг терроризмга қарши курашиш ва хавфсизлик бўйича бегараз ёрдам дастури доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотда Давлат божхона қўмитаси раиси Зоҳид Бусанов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода иштирок этди.

Сабина — финалда!

Таиланднинг Нонтабури шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақримида кирувчи халқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова финалга йўл олди.

Ярим финалда Сабина Шариповага австриялик Барбара Хаас рўбарў келди. Маҳорат ва тажриба бобида рақибасидан устунлигини исботлаган умидли спортчимиз учрашувни 6:3, 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Энди халқаро турнирнинг бош соврини учун ўтказиладиган беллашувда Сабина Шарипова эстониялик Анетт Контавеитга қарши кортга чиқади.

Бозор талаблари асосида

Жиззах вилояти Мирзачўл туманида замонавий электр ёриткичлар ишлаб чиқарадиган «Maxwell Star Lixt» корхонаси ишга туширилди.

Корхонада электр энергиясини тежаш имконини берадиган турли қулчанишдаги ёриткичлар тайёрланмоқда. 2011 йилда вилоятда саноатни ривожлантириш бўйича белгиланган дастур лойиҳаларидан бири — «Maxwell Star Lixt» корхонаси фойдаланишга топширилиши билан худудда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари тури яна биттага қўйилди. Айни пайтда ушбу дастур бўйича 130 йирик лойиҳани амалга ошириш, жумладан, 123 та янги корхона ташкил этиши ва 7 та маъжуд корхонани модернизация қилиш борасида иш олиб борилаётган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

унинг янги босқичида сиёсий партия масъулияти

⇒ 2

Ватан қисматига дахлдорлик



МОҲИЯТ

Президентимиз илгари сурган Концепцияда одамларнинг теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси уларнинг онгу тафаккури ўзгариб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланишида муҳим омил экани уқтирилади. Шунда ҳар бир инсон Мустақиллик йилларида турмуши ва мамлакат ҳаёти қандай ўзгараётганини, бу натижалар қандай қўлга киритилаётганини, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини такомиллаштириш йўлида ташланган қадамларни, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимиз мавқе-мартабаси тобора ошиб бораётганини ва бунга ўзи ҳам дахлдор эканини чуқур ҳис этади. Қувонади.

Дахлдорлик фазилатини шакллантиришга доимо жиддий эътибор қаратиб келинади. Бу — бежиз эмас. XXI асрнинг бошида инсон қалби ва онги учун кураш ҳар қачонгидан шиддатли тус олди. Дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб, геосиёсий мақсадлар мафкуравий сиёсатга қўшилиб бораётди. Бу эса мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятини ошириб, ёш авлодни давр талабига мос равишда тарбиялашни долзарб вазифага айлантормоқда.

⇒ 3

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида



Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.
Ислам КАРИМОВ

Жаҳон нигоҳидаги санъат анжумани

Мусиқа инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидандир. Мусиқа тили, миллиати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидеги кўплаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган қудратли ва таъсирчан воситалардан биридир. Инсон қалбига юксак ва олижаноб туйғуларни сингдириш, уни эзгу ва хайрли ишларга даъват этишда, маънавиятини юксалтиришда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Халқимизнинг мусиқа маданияти узоқ тарихга эга. Бу ҳақда шохидлик берувчи топилмаларнинг энг қадимги-

си Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидан топилган жонивор суягидан ясалган сивизги — найдир. Унинг ясалганига қарийб тўрт минг йил бўлган. Самарқанддаги қўхна Афросиёб деворий суратларида акс этган хонанда ва созандалар тасвири ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аждодларимизнинг мусиқа маданияти Буюк ипақ йўли орқали Хитой, Корея ва Япониягача етиб борган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форий, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимиз мусиқа маданиятининг

илмий муаммолари билан шуғулланганлар ва мусиқанинг илмий, фалсафий, умуминсоний хусусиятларини таҳлил қилганлар.

Соҳибқирон Амир Темур даврида маданият, жумладан, мусиқа маданияти юксак босқичга кўтарилган. Бу даврда Самарқанд ва бошқа шаҳарларда мусиқий анжуманлар ўтказилгани, унда турли юртлардан келган мусиқачилар ўз санъатини намойиш этгани тарихий манбаларда ўз инъикосини топган.

⇒ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 IYIL 10 MARTDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1692,53	1 Миср фунти	283,17	1 СДР	2631,04	10 Жанубий Корея вони	14,97
1 Англия фунт стерлинги	2718,50	1 Канада доллари	1717,38	1 Туркия лираси	1046,92	10 Япония иенаси	202,91
1 БАА дирҳами	454,77	1 Хитой юани	254,26	1 Швейцария франки	1792,20	1 Россия рубласи	58,97
1 АҚШ доллари	1670,15	1 Малайзия ринггити	551,57	1 Евро	2310,24	1 Украина гривнаси	210,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш унинг янги босқичида сиёсий партия масъулияти



Латиф ГУЛОМОВ,

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Унинг моҳияти энг аввало шундаки, ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар иштирокнинг янги конституциявий механизми киритилмоқда ва бу жараёнларга таъсири кучаймоқда.

Сиёсий партияларда, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида келгуси сайлов кампанияларида беллашувни янада кучайтиришнинг янги омиллари вужудга келмоқда. Зеро, парламент сайловларида етакчилиikka эришиш эндиликда на-

ниши билан парламент назоратининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий механизми ҳам янада такомил топади. Хусусан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ислохотларни изчил, бир пайтнинг ўзиде, бир неча йўналишда амалга ошириш кўзда тутилган.

фақат парламент фаолияти воситалари орқали дастурий устуворликларни дадил амалга оширадиган нуфузли фракцияни шакллантириш имкони беради, айни чоғда Бош вазир номзодини тақлиф этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади.

Бу, ўз навбатида, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш учун нафақат қўшимча имкониятлар яратди, балки ижроия ҳокимият институтлари орқали ҳам бажаришга йўл очади. Айни пайтда парламентдаги етакчи партияларнинг ижроия давлат ҳокимияти фаолияти учун сиёсий масъулияти ҳам ошади.

Мамлакатимиз Президентининг қонунчилик тақлифлари қабул қили-

лиши ҳуқуқи парламент палаталарининг биргалликдаги ваколатлари доирасига киритилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлиснинг ҳукумат ишига таъсир этувчи воситалари Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш институтининг киритилиши билан тўлдирилмоқда. Бу механизм жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг амалдаги парламент институтлари тажрибасига тўла-тўқис мос келади. Унинг киритилиши Ўзбекистонда демократик модернизация умумжаҳон анъаналарига асосланганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ис-

лохотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ислохотларни изчил, бир пайтнинг ўзиде, бир неча йўналишда амалга ошириш кўзда тутилган.

Чунинчи, ҳукумат фаолияти устидан парламент назорати жойларда қонун

Жаҳонда рўй бераётган воқеалар, ижтимоий беқарорлик ва силкинишларнинг асосий сабаби бу — сиёсий ҳокимият турғунлиги, унинг изчил демократик ислохотлар ўтказишга ноқобиллигини кўрсатмоқда. Қаерда демократик мувозанат таъминланмаса, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарув ишларида реал иштироки бўлмаса, ўша жойда кескин ижтимоий низолар рўй беришини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан депутатлар ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича чоралар билан тўлдирилмоқда. Электроратимизнинг асосий ижтимоий манфаатлари, биринчи навбатда, жойларда амалга оширилиши ҳисобга олинса, бу ЎзХДП нуктаи назаридан жуда муҳимдир.

Бу янги механизмлардан фойдаланиш партия доимий электорати манфаатларига жавоб берадиган қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан парламент, депутатлар ва жамоатчилик назоратини яхлит амалга оширилишини таъминлайди, деб ўйлаймиз. Айни пайтда бизнинг партия учун ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида электоратдан тушаётган масалаларни ҳал этиш борасида қўшимча воситалар пайдо бўлмоқда.

Партиянинг ўз фракцияси орқали ижроия ҳокимият институтларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилишда иштирок этиши ягона мақсад эмас. Бу назорат муаммоларни аниқлаш учун эмас, балки кўпроқ маъмур муаммоларни самарали ҳал этиш йўлларини топиш учун зарурдир. Шу боис ЎзХДП мамлакат Президентини қонунчилик тақлифлари билан амалга оширишдаги ўз иштирокини муҳим йўналиши деб партия парламент фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзоларининг электорат манфаатларига жавоб берадиган аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишига самарали таъсир этишини таъминлаш деб ҳисоблайди.

Конституцияга Президентимиз тақ-

лиф этган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада яхшиланишига, мамлакатимиз барқарор ривожланиши учун қўшимча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

Жаҳонда рўй бераётган воқеалар, ижтимоий беқарорлик ва силкинишларнинг ниҳоятда хавфли томони бу — сиёсий ҳокимият турғунлиги, унинг изчил демократик ислохотлар ўтказишга ноқобиллигини кўрсатмоқда. Қаерда демократик мувозанат таъминланмаса, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарув ишларида реал иштироки бўлмаса, ўша жойда кескин ижтимоий низолар рўй беради.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар стратегияси изчил амалга оширилиши натижасида нафақат ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилмоқда, балки ҳозирги замон демократик парламент институтларининг самарали фаолияти таъминланмоқда.

Ҳозирги пайтда демократик парламентаризм Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тизимининг таркибий қисмига, аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу маданиятни шакллантиришда амалий иштирок этишга интилоқда. ЎзХДП парламент механизмларининг самарадорлиги — одамлар ишончини қозонишни энг мақбул услуби, деб ҳисоблайди ва бу механизмлардан электорат манфаатларига жавоб берадиган дастурий вазибаларини бажаришда амалий фойдаланишни мақсад қилади.

Биз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш доирасида яратилаётган янги ҳуқуқий майдонда партияимиз сиёсий масъулиятини ана шунда, деб биламиз.

Фракция фаолияти



Парламент қонун ижодкорлигида

ЎзХДП депутатлари қабул қилинаётган қонунлар орқали ўз электорати манфаатларини ифода этади ва уларни ҳимоя қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилар экан, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазибаларининг ролини кучайтиришига хизмат қилишини таъкидлашди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда, давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга хизмат қилиши, Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини кенгайтириши ҳамда парламент назорати механизмларини такомиллаштирилиши алоҳида қайд этилди.

Таъкидлаш ўринлики, Конституцияга киритилган ўшбу тақлифлар табиий равишда мамлакатимизда амалда бўлган айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади. Шу боис «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, Конституциявий қонуннинг бир қатор моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳокама этилиб, ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ийгилишда депутатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2010 йилги ҳисоботининг ҳам эшитилди. Утган йилда Қонунчилик палатаси Иш дастури асосида 22 та йўналишда 88 та объектда назорат тадбирини амалга оширди. Шундан 2010 йил якуни

бўйича 16 та йўналишдаги 64 та объектда назорат тадбири тугалланди ва 6 та йўналишдаги 24 та объектда жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Айтиш жоизки, маҳаллий бюджетларнинг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш, давлат ҳаражатларини камайтириш резервларини аниқлаш, жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланишни тегишли Қисоб палатасининг асосий вазифаларидан бири саналади. Шу жиҳатдан Қисоб палатаси томонидан 2010 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилди. Хусусан, Қорақалпоғiston Республикаси ва Самарқанд вилоятида бевоқиф ҳудудларга чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларнинг ижроси тегишли Қисоб палатаси томонидан 2010 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилди. Хусусан, Қорақалпоғiston Республикаси ва Самарқанд вилоятида бевоқиф ҳудудларга чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларнинг ижроси тегишли Қисоб палатаси томонидан 2010 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилди.

Муҳокама қилинган Қисоб палатаси аниқлаган камчиликларни бартараф этиш борасида вазириликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг қўшимча ишлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлари, шунингдек, ЎзХДП электорати билан боғлиқ масалалар ижроси ҳам депутатларнинг диққат-маркази бўлди.

Муҳокама қилинган Қисоб палатаси аниқлаган камчиликларни бартараф этиш борасида вазириликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг қўшимча ишлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлари, шунингдек, ЎзХДП электорати билан боғлиқ масалалар ижроси ҳам депутатларнинг диққат-маркази бўлди.

Муҳокама қилинган Қисоб палатаси аниқлаган камчиликларни бартараф этиш борасида вазириликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг қўшимча ишлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлари, шунингдек, ЎзХДП электорати билан боғлиқ масалалар ижроси ҳам депутатларнинг диққат-маркази бўлди.

Ийгилиш сўнггида қўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг позицияси белгиланган. **Элмурод ЭТАМҚУЛОВ**

ЎзХДП ҳаёти

Маҳаллий партия ташкилотларида

Беруний туман партия кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилоти олдида турган навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Туманда иқтисодий ислохотларни кучайтириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, янги иш жойлари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш борасида партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, партия ташкилотининг ҳаракат дастури белгилаб олинди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

Сергели туман маънавият-тарғибот марказида давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция, диний эркинлик ва бағрикенглик масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар Концепциянинг жамият ривожигаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритишди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари ҳаётини мавқеи кундан-кунга ортиб бораётгани, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев. — Концепцияда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Сиёсий партияларнинг маҳаллалар билан ишлаш механизмини

такомиллаштириш зарур. Шу сабабли партияимиз бу борада қатор тадбирлар ташкил этиб, жамоатчилик фикрини ўрганди, эксперт ва депутатларимиз «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга амалий тақлиф ва мулоҳазалар тайёрлади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Игорь Кудрявцев, Тошкент ислом университети катта илмий ходими Жасур Нажмидинов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларни ювоний ёт ва бузғунчи оқимлар таъсиридан асраш каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Гулрух ОДАШБОВА

ЎзХДП Бувайда туман кенгаши ташаббуси билан

Бегобод қишлоқ фуқаролар йиғини худудий партия ташкилотиде аҳоли тиббий маданиятига бағишланган давра сўхати бўлиб ўтди. Унда аҳоли саломатлиги муҳофазаси учун барча имконият ва қўлайлик, имтиёз ва ҳуқуқий асослар яратилгани таъкидланди. Жамият мустаҳкамлиги учун оила саломатлиги зарур экани саҳна кўринишлари орқали ифодадан берилди.

Тадбирда сўзга чиққан сил касалликлари шифохонаси бош шифокори Йигитали Турсунов, туман партия кенгаши раиси Ҳабибхон Тошматов ва бошқалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳукуматимизнинг бу борадаги қарорлари ижросини таъминлаш ҳақида фикр-мулоҳаза юритишди.

Инобат АБДУЛАТИПОВА



Хорижда

Саммитда Ливия масаласи

Брюсселда Европа Иттифоқининг навбатдан ташқари саммити очилди.

Саммит иштирокчилари Ливия масаласи бўйича ягона тўхтама қелиши ва ЕИнинг Яқин Шарқдаги танглик бўйича умумий позицияси белгилаб олинди. Биринчилардан бўлиб сўзга чиққан Германия канцлери Ангела Меркель Ливия муҳолифати тузган муваққат бошқарув гуруҳини тан олаш, мамлакатни парокандаликдан сақлаб қолиш зарур бўлса, бу гуруҳни Муаммар Каддафий тарафдорлари ҳужумидан ҳимоя қилиш тақлифи билан чиқди. Франция президенти Николь Саркози Ливиядаги аҳвол бошбошдоқлик авж олган Сомалини эслатишни таъкидлаб, зудлик билан мамлакатдаги танг вазиятни бартараф этиш зарурлигини айтди. У Муаммар Каддафининг ҳарбий қуроли кучларини бутунлай заифлаштириш лозимлигига уруғ берди.

Талафот кўлами кенг

Японияда кучли ер силкиниши содир бўлди.

Натижада мамлакатнинг муҳим аҳамиятга молик эллика яқин маъмурий худуди жиддий талафот кўрди.

Зилзила оқибатида пайдо бўлган цунами Исимаки шаҳрининг шарқий қирғоқларини ювиб кетган. Ҳозирга қадар қурбонлар сони қирққа яқинлашган. Иватэ, Фукусима, Ибаракки, Тотиги, Тиба ва Токио каби йирик sanoat марказларида стратегик заводлар ўт ичида қолган.

Мамлакатдаги қутқарув-тозалаш ишларида бутун омма жалб этилган.



300 дан ортиқ жосус

Польша хавфсизлик агентлиги раҳбари Кшиштоф Бондарик ўтган йили мамлакатдан чиқариб юборилган уч юздан ортиқ чет эл жосуси рўйхатини эълон қилди.

Улар орасида Покистоннинг «Лашкари Тойба» террорчи ташкилоти вакиллари ҳам бор. Бондарикнинг айтишича, дипломатик макомга эга бўлган жосуслар турли стратегик маълумотлар йиғиш билан банд бўлган.

Энг калта одам

Филиппинлик 17 ёшли Жунри Балуинг ер юзидаги энг митти одам деб топилди.

Унинг бўйи 55 сантиметр. Шу боис Гиннесснинг рекордлар китобида кирган Балуинг кўп фарзандли оилани тўғичи. Чақалоқлигида турли касалликка кўп чалинган ва ўн ойлиғида ўсмай қолган. Унгача непаллик Хагендр Тапа Магару сайёрамизнинг митти эркаги деб ҳисобланар эди. Унинг бўйи Балуингдан 11 сантиметр баланд.

Ватан қисматига дахлдорлик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президент Ислол Каримов асарларида дахлдорлик фазилати, уни шакллантирувчи омиллар ҳамда бу фазилатни, айниқса, ёшларда кучайтиришнинг аҳамияти ва зарурати асослаб берилган. «**Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шун юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини аниқлаши, қадирий тарихини ва бой маданиятимизни, улуг аждоқларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшashi зарур, деб жавоб берган бўлардим», дейди «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.**

Албатта, амалга оширилаётган ижобий ишлар одамларнинг қаддини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, теъвароқ атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси ҳаётни, фарзандлар тарбиясини тўғри ташкил этишга замин яратди. Бунинг учун давлатимиз раҳбари уқтирганидек, «жамиятимиз онгида ҳозирги дунёда руй бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъулият ҳиссини вужудга келтириш ва доимо мустаҳкамлаб бориш даркор».

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида миллий мустақил тафаккурни, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш вазифини белгилаб қўйилган ва у амалга оширилмоқда. Аммо бу ишларни янада такомиллаштириш лозим. Токи дахлдорлик ҳар бир йилитқизда, ҳар кун, ҳар қадамда яққол намоён бўлсин. У миллий фазилатга айлансин. Гап шундаки, биз — ҳаётнинг паст-баландини кўрган одамлар Ватан — нима, озоодлик — нима, озми-кўпми биламиз. Дунёга миллий манфаатдан келиб чиқиб қарашга оdatланаямиз. Биз бу ҳислатни фарзандларимизга сингдиришимиз лозим. Токи улар Ватан ва миллат манфаатини ҳамма нарасадан устун қўйсин, уни ҳимоя қилиб яшасин, жаҳон ҳам-жамиятидаги ўз ўрнини ҳеч қачон бой бермасин...

ДАХЛДОРЛИКНИНГ ЗИДДИ

Дахлдорлик атамаси бир неча маънони ўз ичига олади. Умумий лексик маънода «O'zbekim Dasturlari» таҳририда «қимлигига қарамасдан», «сўзида турмоқ», «тегишли бўлиш», «этиборга, назарга олиш», «ўз эҳтиромини тасдиқламоқ», «ўзини ҳурмат қилмоқ», «ҳурмат қилмоқ», «ҳурматда бўлиш» шакл-

ларида, инглиз тилида эса соmplicity, participation сўзлари орқали «иштирок», «иштирок этиш» деган маъно аниқланади.

Ғарб дунёсида фан-технологиялар ривожланиб боргани сари инсон «атомлашиб», ўзини уйлаб бошлади. Одамларни бир-бири билан боғлаб келган азалий ришталар узилиб бораётди. Устига устак, «оммавий маданият» ёшларга «Одам ўзи учун яшайди, ҳаёт бир марта берилди. Дунёни қўй, ўзингни уйла. Кимнинг нима дарди бўлса, бу — унинг муаммоси. Бизнинг кўнгилочар таклифларимизга кўн», деган қарашни сингдиришга уринмоқда. Ёшларни тўғри йўлга уриб, одамларни бўлиб ташлаётди. Мақсад — одам қандай яшашни аждоқлари ва тарихи, эл-улусидан эмас, балки «оммавий маданият»чилардан ўргансин. Эртанги об-ҳавони улар белгилашни истайдиган, қандай севиш, қаерда дам олиш, кимга уйланиш ва кимни дўст тутиш ҳақида «сабоқ» берди. Кибародам реал эмас, виртуал дунёда яшайди. Шунинг учун атрофига, одамларга, Ватанига, тарихи ва келажига қараб қарайди. Одам одамга керак бўлмай қолади. Энг ёмон, ахил-иттифок бўлмайди.

Яна бунинг устига, ёшларимизни Ватани ва миллатидан узиб, ўз домига тортишни истовчи бузғунчи мафкуралар оз эмас. Диний экстремизм, «демократияни олға суриш», турли-туман секталар, лоқайдлик, эгоцентризм, эскапизм, дауншифтинг «Ватанингни, халқингни кўй, ўзингни уйла, кел, бизга қўйил», деб ўзини бозорга солмоқда. Улар ёшлар ҳисобидан яшамок истайдилар.

Дахлдорликнинг биринчи кўрсаткичи — «Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўрқиб керак. Улардан ҳеч қачон яхшилиқ чикмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бегона одамдек қарайди». Бу ўринда одам қандай бўлмаслиги кераклиги баён этилган. Бетараф, бепарқ, кузатувчи, ўз халқи ва Ватанига бегона одам. Бундай одамни ўлижон деса ҳам бўлади. У тошга, қуриган ёғочга ўхшайди.

Одамдод бошига қанча кулфат тушган бўлса, бунга унинг ўзига, оиласига, Ватанига, халқи тақдирига лоқайдлик, бепарволик сабаб бўлган. Лоқайдлик бутун бошли давлатлар бошига кулфатлар келтирди. «Тарих гилдиранининг айланмиши билан, авваламбор, юрт ҳукмдорлари ва амалдорлари халқнинг тақдирини келажиги ҳақида қайғурши урлага, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарасадан устун қўйиб, жаҳолат ва гаф-

латга берилиб кетиши оқибатида биз бугун яшаётган минтақа умумбашарий тараққиёт жараёнидан узилиб, ривожланишдан кескин орақда қолиб кетди», дейди Президент Ислол Каримов. Жақин қатан ҳам, Туркистоннинг инкирозга юз тутиши, қўллик ва ҳалоқат узок давом этишига асосий сабаб — амир ва хонларнинг жаҳолатга берилиши, миллатнинг гоёлий-мафкуравий тарқоқлиги, парокандалиги ва ўз эркига, келажак авлодлар тақдирига лоқайд қарашдир. Бундай иллат илдиз отган жойда обод мамлакат ўрнида талон-торож қилинган вайрона қолганига тарих гувоҳ.

Лоқайдликнинг негизини миллий гурур-ифтихор туйғусининг сўниши, ҳафсаласизлик, тарихни яхши билмаслик, бугуннинг қадрига етмаслик, ишонсизлик, салбий ва ғайрихолоқий ҳодисаларга кўникиш, мутаассиблик ва маънавий ожизлик ташкил қилади. Босқинчиларга эса, худди шу — халқнинг лоқайд ҳолати керак. Кишиларнинг лоқайдлиги ва мустамаккачиликка кўникиши уларга тўй, миллатга эса аза бўлган.

Изоҳли лугатда қойд этилишича, «лоқайд» сўзи оқимий, эътибор бермаслик, бепарволик, қизиқмаслик, бепарқлик маъноларида келади. Таърифда киши дунёда ёки ўз юртида бўлаётган ўзгаришларни пайқамаслиги, сезса ҳам мутаассиблиги, илмсизлиги ё кўрнамалиги туфайли тан олмаслиги, кўзга илмаслиги акс этган.

Дунёда одамни лоқайд қилувчи мафкуралар мавжуд. Улардан бири эскапизм (ингл. escaper — қочиб, яшириниб, зохидалик, тарқидунёчилик) ёки одамнинг кундалиқ ҳаётдан хаёллар дунёсига оғиб кетиши. Одамнинг реал воқеликдан қочиши, атрофдаги одамлар билан қиқшиша олмаслиги кўпинча ўтиш ва ўзгаришлар, яъни исоҳотлар даврида учрайди. Эскапизм фаол ва пассив шаклда бўлади. Масалан, фаол эскапизмда одам кино қуришга, ўйинга ружу қўйиши, алкоголь, наркотиклар ва медитацияга берилиши мумкин. Пассив эскапизмда эса одам узадига қўқийди, қишлар орасида яшай туриб, жамият қадриятларига, мамлакат ҳаётига қизиқмайди, муаммоларга бепарқ ва бегона бўлиб, ўз хаёлларига чўмиб юради.

Дунёда ёшларни дахлдорликдан чағлатаётган гоёлардан яна бири — дауншифтинг (ингл. downshifting, автосибилг телегици пасайтириш, у ёки бу жаъраёнин секинлаштириш, сустлаштириш). Маъзур атама «ўзи учун яшаш», «бошқалар билан боғлиқ мақсадларни рад этиш»

фалсафаси моҳиятини ифода қилади. Дауншифтерлар қадриятлардан юз ўгириб, умум манфаати, жамият фаровонлиги ва тинчлик-осойишталик каби тушунчаларни қадрлаш ва ҳалоқат қилиш ўрнига ўзи учун яшашни афзал билади.

Дауншифтинг мафкуриси ХХ асрда Ғарбий Европада пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Россияда дауншифтерлар ҳамжамияти фаолият юритмоқда. У мафкуравий жиҳатдан хиппиги, фалсафий жиҳатдан эса нью-эйж, буддизмга яқин оқим ҳисобланади.

Замонавий компьютер технологиялари, «оммавий маданият» ёшларни реал ҳаётдан қалғинуви кўлаб омишлар туғдиримоқда. Булар — компьютер ўйинлари, интернет, виртуал воқелик, кино, телевидение. Айниқса, педагог, психолог ва социологлар онлайн роли ўйинлари феноменидан, лудоманларнинг соатлаб, кўнаб виртуал дунёда қолиб кетаётганидан ташвишга тушмоқда.

Эгоцентризм — худбинлик. Фақат ўзини уйлаб, ўз манфаати учун яшаш, ён-атрофини қурмаслик, қизиқмаслик ва оқибатда воқеликни тан олмаслик. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назардан бу иллат жаҳолат ва ақидапастликдан асло қолишмайди. «Ўзбекистон» нашриёти «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди» деб номланган китоб чиқарди. Унда шундай дейилади: «Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига қатта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари оғатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам биллавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришига қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозирқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кен тарқалган эгоцентризм ва эркинлик нибобидаги алоқасизлик фалсафасидир».

«Менга нима?» деб яшаш, лоқайдлик ва белгисизлик, ўзини ва ўз манфаатини ҳамма нарасадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нараса менинг ҳузур-ҳалоқий ва ватимга хизмат қилиши керак, деб билиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадонлик, тажанглик, бировни эшити билмаслик, ҳаётнинг тан олмаслик, совоққонлик, танқидга чидамсизлик — эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг асосий аломатларидир.

Халқимиз бундайларни «йўлдан озган», «айнинган», дейди. «Ўзбек мақоллари — ҳар биримизнинг ота-боболаримиз айниги пасайтириш, у ёки бу жаъраёнин секинлаштириш, сустлаштириш». Маъзур атама «ўзи учун яшаш», «бошқалар билан боғлиқ мақсадларни рад этиш»

ни қоралайди: «Кенга — кенг дунё, торга — тор дунё». «Ёмон — ўз гамида, Яхши — эл гамида». «Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма». «Бойлик бойлик эмас, билрик бойлик», «Оти биринг жони бир», «Эл қадрини билмаган, Ҳар балога йўлиқар», «Ўзим деган ўрдан чиқолмас», «Қирқ киши бир ён бўлса, Қинғир киши бир ён бўлар».

Афсуски, бизда бу иллат — лоқайдлик асорати сақланиб қолган. Атрофимизда бўлаётган ва халқимиз номини оламга достон қилаётган оламшумул ишларни сезмаётганлар оз эмас.

Аммо бунга қарши даво ҳам бор, ўзимизда. Бу — жамоавийлик. Кўп билан, кўпдан айрилмай яшаш. Кўпни уйлаш. Кўпга суяниш. Кўпга тилаш...

«OFMA» ДАХЛДОРЛИК

Масаланинг яна бир томони бор. Бу — шахсни ўз миллий мафкурасига чеklangани жамиятда қайта иш қилмоқда. Ўз гамида илтифоат, ёт гоёга илтифоат бўлмаган, алдан-авраб, қўрқитиб оғдириб олиш. Гап одамдан дахлдорлик эркинлигини тортиб олиб, ўз монополиясига айлантириш ҳақида кетаётди. Миллий, умуминсоний масалаларга дахлдор нарасалардан қалғитиш. «Мен айтаётган, кўрсатаётган нарасалар сизга дахлдор, чунки мен сизнинг ишончини дустингизман. Бошқалар эмас. Сизга дахлдор маълумотларнинг ҳаммаси менда бор, мана», — дейиш.

Таннинг дарди оғиздан киради, дейдилар. Унда одамга маънавий касалликнинг кўзидан, қўлғидан киради, деса бўлар. Бунда унинг маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари бузилади, бузиган эҳтиёжларга «дор» тақлиф қилинади. Қарбасизки, бепарқ ва лоқайд одамни ўз «пациентига айлантириш, оғдиртиб олади. Ўз гоёсига дахлдор одамга — ўзининг одамига айлантиради.

Ана шундай қилиб «рангли инкилоб»лар, «намоёйш»лар, «исмини айтмасликни сўрайдиган иштирокич»лар, аламзадалар, «соққасини тўлаб қўйинг, ака, жавоб берамиз», дегувчилар, оддий қилиб айтганда, сотқинлар тоифаси «яратилади». Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг 1994 йили айтган бир фикри хаёлдан ўтади. Афсуски, бу ҳикматнинг ҳақлигига ўтган йиллар давомида бир неча бор иқдор бўлди: «Агар биз ақил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмасак, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди».

Мухаммад ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори. (Давоми бор).



Корхона қайта иш бошлади ва 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди

Республика ҳукуматининг дастурига кўра, Самарқандда саноат корхоналарини ривожлантириш, уларни техник ва технологик қайта модернизация қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурга кўра, Самарқанд шаҳридаги 8-март масъулияти чекланган жамиятда ҳам кенг миқёсда модернизациялаш амалга оширилди. Корхона қайта реконструкция қилишнинг 2010-2012 йилга мўлжалланган дастурига кўра, замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланди.

Дастурнинг биринчи босқичи режасига кўра, Япония нуфузли компаниясининг замонавий техника воситалари ўрнатилди. — дейди жамият директори Исмаил Омонов. — Утган давр мобайнида бу ердаги технологик бутунлай яроқсиз аҳволга тушиб қолганди. Корхонамиз тубдан реконструкция қилинди. Яроқсиз бино ва иншоотларни таъмирлаб, замона-

вий тикув машиналари ўрнатдик. Лойиҳага кўра, бу ерда жами 2 миллиард сўмликдан ортик модернизация ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Иккинчи босқич режасига биноан яна замонавий техника воситалар ўрнатилиши режалаштирилган. Қайтадан иш бошлаган корхонада 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Айни кунларда корхонада 20 турдаги болалар кийим-кечаклари тайёрланяпти. Корхона тўла қувват билан ишлагадга йилга 2,5 — 3 миллион дона трикотаж бўюмлари ишлаб чиқарилади, махсулотларнинг асосий қисми экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

Абдували ХУДОЕВОВ

Ҳар бир қаршилиқ 20 туп кўчат экади

Қарши шаҳри йил сайин боғларга бурқаниб бораяпти. Шаҳарнинг кўтлуг 2700 йиллик тўйи муносабати билан Алишер Навоий номидаги марказий боғда турфа дарахтлар экилганди. Бу йил дарахтзор ва боғлар янада кўпаяди.

Бу ишларга партиямиз фаоллари, депутатлар, ўз шаҳрини севган ҳар бир киши муносив ҳисса қўшишга интиломоқда. Қарши шаҳар ободонлаштириш хусусий корхонаси раҳбари, партиямиздан шахар Кенгаши депутати Озод Умиров кўлаб медали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб бераётгани ҳақида гапириб берди. Роғузар маҳалласи оқсоқоли Ғайбулла Отабоев, Араловул маҳалла фуқаролар йигини раиси Муборак Элмуродовалар ҳам бир хонадонда медали дарахт ўстириш, маҳалла, кўчаларга дарахт ўтказишга киришганлари ҳақида хабар қилишди.

Қарши воҳанинг бош шаҳри, — дейди фахрлиб шаҳар ҳокими Шухрат Турсун. — Ўзингиз биласиз, шаҳарнинг ёзи тафти, Шунинг учун боғлар, хибонлар кўпроқ бўлсин, деймиз. Бу йил 25 гектардан ортик майдонда янги боғлар барпо этилади. Қаршилиқлар ўртасида айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт менинг тўғрам» деган ҳаракат бошланиб кетди. Жамоат ташкилотлари, ўқув юрталари маҳаллардаги ва ибратли ишларни кўлаб-қувватлаямиз. Аввало, медали дарахт ўстиришга қатта эътибор берилаяпти.

Юнус УЗОҚОВ

«Маржон» истеъмол тузи

Шаҳрихонлик ёш табдиқор Алижон Маматов Абдубий қишлоқдаги эски бинони таъмирдан чиқарди. Янги дастгоҳлар ўрнатиб, ош тузи тайёрлайдиган цех ташкил қилди.

Қисқа вақт ичида 7 нафар ишчининг меҳнати билан йодланган, бежирим қадокланган ва сифатли 100 тонна «Маржон» ош тузи истеъмолчиларга етказилди.

Кичик бизнес ва хусусий табдиқорлик йилида бошлаган хайри иш

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Ижтимоий ҳимоя

Аҳоли бандлигини таъминлаш

борасида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишлар ҳақида

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бугунги кун учун долзарб муаммолардан бири эканлигига алоҳида ургу берилган.

Хусусан, маърузада 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортик яш ўрни ташкил этилгани, уларнинг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқлариغا, 2010 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келиши таъкидланган.



Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кўп ишлар қилинди. 2010 йил мобайнида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастури доирасида жами 48 329 та янги иш ўринлари яратилгани ва йиллик режа 100,4 фоизга бажарилганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва модернизация қилиш ҳисобидан 1593 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобидан 20 980 та, яққа тартибдаги табдиқорликни ривожлантириш ҳисобидан 4408 та, уй меҳнатининг барча шакллари янада оммалаштириш ҳисобидан 7754 та, фермер хўжалиқларини кўлаб-қувватлаш ҳисобидан 10 509 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани тўғри йўналтириш ҳисобидан 2499 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, вақтинча тўхтаб

қолган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва бозор инфратузилмасини шакллантиришни натижасида 491 ҳамда 95 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикасида касаначилик билан шугулланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса юртимизда уй меҳнати билан банд бўлган аҳолига кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибор самарасидир. Хусусан, Қорақалпоғистонда касаначилик ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш бўйича йиллик дастур қабул қилинди, унга кўра 2010 йилда жами 3548 та хунарманд ишли бўлиши режалаштирилган эди. Йил домида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли олдимизга қўйилган мақсадни ортиги билан, яъни 101,0 фоизга бажариб, 3582 нафар меҳнат-қиз янги иш ўрнига эга бўлди. Улардан 1292 нафарини хотин-қизлар ташкил этиди. 2010 йилда касаначилигимиз томонидан 1133,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилигани ҳам алоҳида эътибор этиш жоиз.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда ижтимоий муҳофазатга муҳтож ёки иш топишда турли қийинчиликларга дуч кела-

ётган кишиларга кўмак бериш ва бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ҳам доимий назоратга олинган. Жумладан, 2010 йилда мана шундай инсонларнинг 3303 нафари тегишли корхона ва ташкилотларда иш бошлади.

Кичик бизнес ва хусусий табдиқорлик йилида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган исоҳотларини изчил давом эттириш бизнинг энг асосий, устувор вази-фаларимиздандир. Хусусан, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 48 362 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Унга кўра, биргина январь ойида 2598 та одам ишли бўлди ва ойлик режа 100,8 фоизга бажарилди. Шунингдек, мазкур ойда касаначилик ҳисобидан 359 та янги иш ўрни вужудга келди.

Янги иш ўринлари яратилиши ижтимоий ҳимоянинг энг муҳими ва самарали воситаси, деб ўйлаймиз.

Рашид АЛЛАБЕРГАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазири.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 260-урта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Абидов Баҳодир Фозилжонвич номига берилган № О'Р-А 1494038 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ватанамиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

Жаҳон нигоҳидаги санъат анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзгичанинг англаш, бой тарихимизни, серқирра маданий меросимизни, миллий кадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар доирасида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш, бу борада эришган ютуқларимизни жаҳон узра кенг тарғиб ва ташвиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа аъённаларини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбиде санъатга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топтириш, гўзаллигини, чин инсоний кадриятларни тараннум этиш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорликни кенгайтириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ушбу нуфузли мусиқа анжуманининг мустақиллик байрами арафасида ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Айнан истиқлол шарофати билан миллий мусиқа санъатимиздан жаҳон аҳлини кенг баҳраманд этиш имконияти пайдо бўлди. Ўнлаб санъаткорларимизнинг дунё бўйлаб миллий мусиқамиз жозибаси ва гўзаллигини намойён этаётгани ўзбек мусиқа санъатининг жаҳон миқёсидаги илҳосмандлари тобора ортиб боришида муҳим омили бўлмоқда.

Ёшларимизни Ватанга муҳаббат, умрбоқий аҳнава ва қаҳриятларимизга ўрнатилган эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак мусиқий асарлар яратиш, ёш ижодкорларни камол топтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширил-

моқда. Зеро, фарзандларимиз онги ва қалбига мусиқа садолари, мумтоз куй ва кўшиқлар қанчалик чуқур кириб борса, улар маънавияти шунчалик юксалади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича давлат дастури қабул қилинган ва изчил ижро этилаётгани мусиқа санъатимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни янада юксак поғонага олиб чиқди. Ушбу ҳужжат ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, фарзандларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратиш, бошланғич мусиқа таълими тизимини тубдан тақомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини ривожлантиришда гоят катта аҳамият касб этмоқда.

Турли кўрик-танловлар ўтказилаётгани мусиқа соҳасида ижод қилаётган ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари даъват этишида муҳим омили бўлмоқда. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида халқаро симфоник мусиқа фестивали, ёш ижодчилар, бастакорлар, мусиқашунослар кўрик-танловларини ташкил этиш аҳнавага айланди. Бу эса ўзбек мусиқа санъатининг турли жанр ва йўналишларда тобора равнақ топиб бораётганининг яна бир исботидир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали шарқона маъно-мазмун, бетакор руҳи ва қиёфаси билан дунёдаги кўплаб бошқа санъат ва мусиқа фестивалларидан ажралиб туради. Ушбу мусиқа анжумани Шарқ оламини ва фалсафасини, бетакор гўзаллик ва нафосатни тараннум этиши, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва кўшиқларни ифода этиши билан ҳар бир инсонни ўзига мафтун қилади.

— Халқимизни жаҳон халқлари мусиқа санъатидан баҳраманд қилиш ва ўз навбатида бетакор миллий санъ-

атимизни жаҳонга намойён этишда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали гоят катта аҳамият касб этмоқда, — дейди «Шарқ тароналари» I халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўрин соҳиббаси бўлган Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева. — Ушбу мусиқа байрамнинг ўсиб келаётган ёшларимизни эзгу фазилатлар эгаси этиб тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстлик, эзгулик, меҳр-муруват ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган санъаткорлар ижро этган ранг-баранг тароналар, турли тиллардаги кўшиқларда эзгулик, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат каби эзгу гоялар тараннум этилади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида эришган муваффақиятни ижодий фаолиятимиз давомида кўлга киритилган ютуқларимиз орасида алоҳида ажралиб туради. Сабаби, ҳар бир санъаткор ўз юртида ўтказилаётган нуфузли халқаро анжуманда гойиб бўлиши чин дилдан истаيدиган, улкан масъулият юкини ҳис этади.

Уша йили фестивалда Алишер Навоий газали билан айтулувчи «Ушшоқ» кўшигини, Мискин газали билан айтувчи «Эй дилбери жоним» катта ашуласини ижро этган кимчи бўлишлари турли миллат ва элат вакиллари ҳайратга солди. Бу, аввало, Шарқ мусиқасининг узвий ва ажралмас қисми бўлган мумтоз кўшиқчилик санъатимизнинг жозибаси, сеҳри, бетакорлиги билан боғлиқдир. Негаки, мумтоз мусиқамиз киши руҳияти, кайфияти, маънавиятига катта ижобий таъсир ўтказишда буюк қудратга эга. У инсонни покликка, эзгуликка, маънавий баркамолликка даъват этади, тингловчининг борлиқ, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш каби чуқур фалсафа мушоҳадага ундайди. Шу боис миллий мумтоз мусиқамизни жаҳоннинг барча мамлакатларида катта қизиқиш, эътибор ва эҳтиром билан тингилдилади.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу санъат байрами сабаб кўплаб санъаткорларнинг ижроси жаҳон мусиқа илҳосмандлари эътиборига тушди, кўшиқчилари дунёга ёйилди. Фестиваль турфаили кўплаб мамлакатларнинг хонандалари, баста-



кор ва санъатшунос олимлари билан яқин ижодий мулоқотда бўлди.

Бугун бу фестиваль йирик ва нуфузли мусиқа анжумани сифатида жаҳон эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Бундан шу юртининг бир санъаткори, санъатсевар фарзанди сифатида беҳад фахрланаман.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бу фестиваль бугунги нотинч ва мураккаб замонда эзу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбиде эзгу инсоний туйғулари уйғотиш, тили, маданияти, миллий қаҳриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштириш каби олижанон мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Миллий аъёнлар ва замон руҳини ўзида мужассам этган бу санъат байрами ер юзидеги турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишларини ифода этиб, инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик миньфарига айланади. Фестиваль ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари доирасида қиритилиши дунё эътиборига катта қизиқиш уйғотмоқда. Нафақат Шарқ мамлакатлари, балки дунёдаги бошқа кўплаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намоёндаларининг бу фестивалга эътиборини ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Мисол учун, илк бор ўтказилган мазкур анжуманда 31 мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, 2009 йилги мусиқа фестивалида 47 давлатдан моҳир созанда ва хонандалар қатнашди.

Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, истеъдоди ва маҳоратини намойён қилишга, ижодий беллашуларда юқори ўрин ва муқофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта. Мазкур фестивалда турли йилларда юқори ўринларни кўлга киритган вакилларимизнинг муваффақияти ҳаммамизни қувонтиради.

Фестивалнинг мафтункор Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бу анжуманда ўзига ҳос маъно-мазмун бахш этади. Президентимиз таъкидлаганидек, Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиса навиқрон қиёфасини, бетакор меъморий ёдгорликларни намойён этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган, кўп асрлар давомида турли миллат ва элатларнинг энг олижаноб фазилат ва хусусиятларини, тили ва табиатини ўзида мужассам этган, меҳмондўст ва меҳрибон халқ бу фестивалнинг узвий, ажойиб бир қисмига айланади, унга янгича файзу тароват бахш этади.

Халқимиз санъатини, мусиқани бутун қалби билан севади, ижод аҳлини муносиб қадрлайди, ҳар гал фестивал меҳмонларини дўстлик элчилари сифатида самимий кутиб олади. Фестиваль айна чоғда кўплаб иштирокчиларнинг юртимиз, боқий Самарқанд билан танишиш орзусини рўёбга чиқармоқда. Мех-

монлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини ўз кўзи билан кўриб, ҳайратини ошмоқда, ҳаваси келмоқда, юксак баҳо бермоқда.

Жорий йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали саккизинчи бор ўтказилди. Санъат анжуманининг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналарига ҳамоҳанг тарзда ўтиши унга ўзгача руҳ бахш этиши шубҳасиз. Зеро, айнан истиқлолимиз шарофати билан бундай бетакор фестивалга асос солинди.

«Шарқ тароналари» халқаро фестивалини юксак савияда ўтказиш учун ҳар доим пухта тайёргарлик қўрилади. Бу йил ҳам ушбу мусиқа байрамини нафақат қадимий ва навиқрон шаҳар аҳли, балки мамлакатимизнинг барча санъат намоёндалари, ижодкорлар қизгин ҳозирлик қўрмоқдалар.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида дунё халқларининг хонандаю созандалари яна қадимий ва ҳамиса навиқрон Самарқандда жам бўладилар. Ватан ва тинчликни, дўстлик ва инсонпарварликни, муҳаббат ва садоқатни юксак пардаларда тараннум этувчи оҳанглари таралди. Бу наволар бетакор Репигстон узра оламга ёйилди... Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА Шарқловчиси.

Танқиддан сўнг...

«Яратилган имкониятлар катта»

аммо ҳамма жойда ундан самарали фойдаланилмапти»

Газетамизнинг жорий йил 22 февраль сониде шундай сарлавҳа билан мақола чоп этилганди. Унда Жиззах вилоятининг айрим туманларидаги мактабларда спорт иншоотлари қаровисиз аҳволдалиги, баъзиларидан эса фойдаланиш қониқарсизлиги танқид қилинган эди. Мақола юзасидан таҳририятга жавоб келди.

«Газетада чоп этилган мақола юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ҳузурда кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишга барча туман халқ таълими бўлими мудирлари, умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва жисмоний тарбия фани ўқитувчилари жалб қилинди. Йиғилишда мақола атрафлича муҳокама қилинди. Унда журналист томонидан кўтарилган мавжуд камчиликлар юзасидан мутасадди раҳбар ва ходимларга тегишлича кўрсатмалар берилиб, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашган мутасаддиларга қатъий оғохлантиришлар берилиб ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жумладан, Дўстлик тумани халқ таълими бўлими тасарруфидеги 16-бошланғич умумтаълим мактабининг спорт залидаги ачинарли шарт-шароитларга бошқарма бошлиғи ва ҳайъат аъзолари томонидан тегишлича муносабат билдирилиб, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Мақолада қайд этилган кийим алмаштириш хоналарини талаб даражасида иситиш мақсадида мазкур муассасага алоҳида иситиш соҳнохонаси ўрнатилиш лозимлиги ҳусусида вилоят ҳокимлигига тақлиф қиритилди. Айни пайтда вилоят ҳокими қарори билан муассасанинг иситиш тармоғини ўн қун муддатда талаб даражасида таъмирлаш учун тегишлича маблағ ажратилиб, қурувчилар томонидан ишга қиритилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам мақолада Зафаробод туманидаги 11-Забрбод туманидаги 8-умумтаълим мактабларининг спорт залларидаги ачинарли ҳолатлар аниқ фактлар асосида тўғри танқид қилинган. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурда мазкур мақола юзасидан қаққирланган йиғилишда айни пайтда энг долзарб масалага айланган ушбу камчиликларни бартараф этиш атрафлича муҳокама қилинди. Бундай камчиликларга йўл қўйган мактаб раҳбарлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари қатъий оғохлантирилди.

Қайд этилган камчиликлардан хулоса қилган ҳолда вилоят умумтаълим мактабларида спортга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг махсус қарори қабул қилинди.

И.УМАРОВ, Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Спорт



Меҳмонлар ғалабаси

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лига жамоалари иккинчи тур ўйинларини бошлашди.

«Қизилқум» — «Насаф» 0:1, «Олмалик» — «Пахтакор» — 0:1. Мазкур ғалабалардан сўнг «Насаф» ва «Пахтакор» футболчилари чемпионат жадвалида пешқадам бўлиб олишди. Кеча Фузорда «Шўртан» —

Ўсмирларимиз ютуғи

Украинада ўсмирлар ўртасида бокс бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда Ҳамид Тангрибергенов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Мусобақа якунида ёш «чарм қўлқоп» усталари Алиёр Норуллоев (57 кг) ҳамда Ойбек Шарипов (80 кг) олтин медаль билан тақдирланди. Эркин ХОЛБОБО

Китоб тақдироти

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда юртимиздаги Ҳайдар Алиев номли Озарбойжон Маданият марказида янги чоп этилган китоблар тақдиротини ўтказди. Унда элчихона вакиллари, Ўзбекистон илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари иштирок этишди.

— Бугун биз жаҳон классик адабиётининг ерқин вакиллари билан бўлган Муҳаммад Фузулининг ўзбек тилига таржима қилинган янги тўплами, Озарбойжон халқ ёзувчиси Собир Рустамхонлининг «Кўк тангри», ёзувчи Илғор Фаҳрийнинг «Актриса» асарларининг тақдирот маросимида иштирок этялмиш, — деди тадбирини очган Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчиси Намиғ Аббосов. — Китоблар жуда ҳам қиройли кўринишда чоп этилди. Таржима ҳам жуда яхши амалга оширилган. Бунинг учун биз матбаачиларга ва таржимонларга миннатдорчилик билдирамиз. Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари нафақат тил ва урф-одатлар, балки адабиёти билан ҳам бир-бирига анча яқин.

— Адабий алоқаларнинг яхши бўлиши нафақат халқлар, балки давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлашига хизмат қилади, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Саидахор Фўломов. — Мана, Озарбойжон элчихонаси томонидан ушбу ажойиб Маданият маркази қурилди. Эндиликда бу ерда кўплаб маросимлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши халқларимизни яқинлаштиради, уларнинг бир-бирларини янада яхшироқ англашларига кўмаклашади. Тақдирот маросимида, шунингдек, китобларнинг таржимонлари, олимлар, ноширлар ҳам сўзга чиқиб, икки халқ ўртасида узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган адабий алоқалар ҳақида гапиришди. Темур АЪЗАМ

ОБ-ҲАВО 12-13.03. 2011

Table with columns for city, temperature, and weather icons. Cities include Toshkent, Samarqand, Nukus, Karshi, Urganch, Navoiy, Fergana, Bukhoro, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, Toshkent vil., London, Paris, Moscow, Madrid, Peking, Hongkong, Rim, Anqara, Tokio, Stokgol'm, Keyptau, Qo'xira, Gavana, and Vashington.

Publication information including MUASSIS: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi; Bosh muharrir: Safar OSTONOV; Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV; Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Andrey KUSTOV, G'afur HOTAMOV; Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot; MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda to'yxatga olingan; Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi; e-mail: info@uzbekistonovozi.uz; T - Tijorat materiallari; O'zA yakuni - 23.10; Topshirgan vaqti - 01.10; Soluvda erkin narxda; Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV; ISSN 2010-7633; 1 2 3 4 5